

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича
ХУЛОСА № 25**

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 июл куни Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 2 августдаги 17963-хқ-сонли топшириғи

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Қарор лойиҳасида бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш, паррандачилик, чорвачилик ва балиқчилик тармоқларини озуқага бўлган талабини қондириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган бошоқли дон етиштириш бўйича тузиладиган контрактация шартномаларидан ортиқча етиштириладиган бошоқли донни фьючерс шартномаси асосида харид қилиш орқали ғаллачилик кластерларини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – бошоқли дон етиштирувчи хўжаликлар, дон маҳсулотларини қайта ишловчи ташкилотлар, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ва омухта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, “Ўздонмаҳсулот” АК ва унинг тизимдаги компаниялар;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қорақалпоғиятон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари;

субъектларнинг мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш, ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш ҳуқуқлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига кўра, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгиликларни асоссиз равишда бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.


Юқоридагиларни инобатга олиб, қарори лойиҳаси 5-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда фермер хўжаликлари томонидан жорий йилда фьючерс шартномаси асосида қўшимча етиштириладиган бошоқли дон ҳосилини суғурта қилиш учун суғурта ташкилотлари билан шартномаларни расмийлаштиришга кўмаклашсинлар”.

IV. ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳасини юқоридаги эътироз асосида қайта ишлаган ҳолда қабул қилиш лозим.

Раиснинг
биринчи ўринбосари



Б. Каримов

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳаси 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил ҳосилидан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган бошоқли дон етиштириш бўйича тузиладиган контрактация шартномаларидан ортиқча етиштириладиган бошоқли донни фьючерс шартномаси асосида харид қиладиган ғаллачилик кластерлари рўйхатини иловага мувофиқ тасдиқлаш назарда тутилган.

6.2. Қарор лойиҳаси 5-бандида “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда фермер хўжаликлари томонидан жорий йилда фьючерс шартномаси асосида қўшимча етиштириладиган бошоқли дон ҳосилини суғурта қилиш учун шартномаларни расмийлаштириш топшириғи берилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳаси 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил ҳосилидан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган бошоқли дон етиштириш бўйича тузиладиган контрактация шартномаларидан ортиқча етиштириладиган бошоқли донни фьючерс шартномаси асосида харид қиладиган ғаллачилик кластерлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлаш назарда тутилган.

Мазкур ҳолат бошоқли дон харид қилиш бозорида рақобатнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мазкур бозорга киришининг чекланишига, бу эса ўз навбатида бозорда барча иштирокчилар учун тенг бўлмаган шароитлар яратилиши ҳамда бозорларни монополлашувига, яъни рўйхатга киритилган ғаллачилик кластерларининг мазкур бозордаги монополиясининг вужудга келишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, қарор лойиҳасининг 2-бандида бошоқли дон етиштириш бўйича тузиладиган контрактация шартномаларидан ортиқча етиштириладиган бошоқли донни фьючерс шартномаси асосида бошоқли донга эҳтиёжи бўлган ҳар қандай мулк шаклидаги хўжалик субъектлари томонидан харид қилиш имкониятини яратишни кўзда тутиш лозим

7.2. Қарор лойиҳаси 5-бандида “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда фермер хўжаликлари томонидан жорий йилда фьючерс шартномаси асосида қўшимча етиштириладиган бошоқли дон ҳосилини суғурта қилиш учун шартномаларни расмийлаштириш топшириғи берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти